



№03\_04(13)

# ADAMI

## KAPITAL



Taj-Mahal



Uty Magol/bilguchisi, Jahon Shah

Таж Махалда еслати Могол империясининг падишахи (1627-1658), Бабождан урпаги Шах Жахан 1592-жылы 5 кайларда Лахордаги Шахи Пила деген жерде дунгеге келген. 1612 жылы Жахан Жаңдангирин сүйкег эйел Нур Жаханнинг женине уюенг, осыланша гак ушгн курасте мүмкин дегн арттырды. 1622-1625 жылдары экеи Жахан ирге кары көгерине жасайды, жептеси, бир экеси оги кептрет. Ол экеси кайтас белгилеш кейн 1628 жылы өлгн император деп жариялады. Шах Жахан елгн шекарадан кенейтеди, ягнн 1638 жылы Кандагар беклиги басып алды.

1648 жылы ол астанала Аградан Делиге көшрди, онда жаңа Шахжаханабад кавасын салды. Шах Жахан билгнн соьонда моголлар сефевилерден шайкесте жептесекпе ушырай бастады. Кандагар 1649 жылы сефевилерге орадды.

1658 жылы Шах Жаханнинг оьнг туралы кауесет оьнг балалары арастандагы өзара соьыстарга экеин, акыры оьнгулы Аурангзеб гактан гандырып, түрмеге камады. 1660 жылы 22 кайларда кайтык болды.



халықаралық ғылыми-педагогикалық,  
тарихи-танымдық, саяси-қоғамдық,  
инновациялық-әмбебап журналы

Қазақстан Республикасы  
Ақпарат және Қоғамдық даму министрлігі  
Ақпарат комитеті  
Мерзімді баспасөз басылымын,  
ақпарат агенттігін және желілік басылымды  
есепке қою туралы  
КУӘЛІК №КЗ46VPY00047895 берді  
Бас редактор – Әзілхан АХМЕТ

Редакциясының  
Нұр-сұлтан қаласы бойынша жетекшісі –  
Бақыткүл ЖОРАБАЕВА

**ШТАТТАН ТЫС  
ШЫҒАРМАШЫЛЫҚ ТОП:**

Кендегүл ЖАНБУРШИНА,  
(Түркістан облысы)  
Аман ЖАЙЫМБЕТОВ,  
(Түркістан облысы)  
Назгүл СЫРЫМБАЕВА  
(Шымкент қаласы)  
Дәурен АБДРАХМАНОВ,  
(Шымкент қаласы)  
Жайсан НҰРЖАНОВА,  
(Түркістан облысы)  
Нағима АЗБЕРДИЕВА,  
(Шымкент қаласы)  
Қанат САРЫБАЕВ,  
(Түркістан облысы)  
Дәурен МҰСТАФИН,  
(Түркістан облысы)  
Үміт БЕКЖАНОВА  
(Батыс Қазақстан облысы)  
Жолымбет МӘКІШ  
(Алматы қаласы)  
Нұрсұлтан ТАЛҒАТҰЛЫ  
(Маңғыстау облысы)  
Гүлсайран ЖҰМАБЕКОВА  
(Ақтөбе облысы)

**ҚОЛДАУШЫ МЕКЕМЕЛЕР:**

Халықаралық Адам институты,  
“Түркістан облыстық білім саласының  
ардагерлер кеңесі кәсіподағы” ҚБ,  
“Адами капитал” қоғамдық қоры,  
“Қазақтану” ғылыми зерттеу орталығы

**РЕДАКЦИЯ МЕКЕН ЖАЙЫ:**

Астана қаласы, Қабанбай батыр көшесі, 59/3  
Шымкент қаласы, Дегтярева көшесі 14 үй

**БАЙЛАНЫС ТЕЛ.: 8771-149-71-81**

Таралым: 1000  
Тапсырыс: 6

Журнал айына 1 рет шығады. Журнал редакция  
баспасында 29.05.2024 жылы басылды

**MAZMUNY\СОДЕРЖАНИЕ\CONTENT**



<b>1. ҚАЗАҚ ӘЙЕЛІ ҚАНДАЙ ЕДІ?</b> \Айдын Сман\	5
<b>2. ФЕНОМЕН МУРАДА АДЖИ</b> \Жанұзақ Әкім\	8
<b>3. ӘЛЕМДІ ӨЗГЕРТКЕН КІШКЕНТАЙ ЗАТТЫҢ ТАРИХЫ</b> \Жексен Тоқтасын\	12
<b>4. ЖАСАНДЫ ЗЕРДЕ ЖАСАМПАЗДЫҚҚА ЖЕТКІЗЕ МЕ?</b> \Сұлтан Ыбырай\	15
<b>5. АҚЫННЫҢ СӨЗІ – ХАЛЫҚТЫҢ СӨЗІ</b> \Әсел Оспанәліқызы\	18
<b>6. АЛАШОРДА ҮКІМЕТІ АЛДЫМЕН АВТОНОМИЯ АЛУ ҮШІН, КЕЙІННЕН ТӘУЕЛСІЗДІК ҮШІН КҮРЕСПЕК ЕДІ</b> \Бахадыр Сатыбалдыұлы\	22
<b>7. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВИРТУАЛЬНЫХ ИНТЕРАКТИВНЫХ СТЕНДОВ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ В ВЫСШЕЙ ШКОЛЕ</b> \Шахноза Убайдуллаева, Роза Ерзакова\	27
<b>8. ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИГА ДОИР</b> \Мансурбек Машиарипов\	31
<b>9. ХАЛЫҚ ҚАМҚОРЫ – ӨТЕБАЙ</b> \Дулатбек Қыдырбекұлы\	36
<b>10. БАҚЫТСЫЗДЫҚТАН БАҚЫТҚА ДЕЙІН БОС ҒҰМЫР</b> \Тимур Ахан\	40

**Жанұзақ ӘКІМ Мендешұлы**, Халықаралық Адам институтының президенті, жаратылыстану ғылымдарының кандидаты, Қазақ ұлттық жаратылыстану ғылымдары академиясы мен КОНКОРД (Франция) академиясының корреспондент-мүшесі, Еуропа жаратылыстану ғылымдары академиясының академигі (Қазақстан-Алматы).

**Оразалы СӘБДЕН**, Қазақстан Республикасы Білім және ғылым министрлігінің Экономика институтының директоры, «Ғалымдар одағы» республикалық қоғамдық бірлестігінің президенті, экономика ғылымдарының докторы, Қазақ Ғылым академиясының, Қазақ ұлттық жаратылыстану ғылымдары академиясы, Қазақстан Республикасы Жоғары мектеп ғылым академиясының академигі, Мемлекеттік сыйлықтың иегері (Қазақстан-Алматы).

**Мекемтас МЫРЗАХМЕТҰЛЫ**, филология ғылымдарының докторы, профессор, Мемлекеттік сыйлықтың иегері, «Түркі әлеміне қызмет» халықаралық сыйлығының иегері (Қазақстан-Шымкент).

**Өмірбек БӘЙГЕЛДІ**, Мемлекет және қоғам қайраткері, экономика ғылымдарының докторы, Қазақ ауылшаруашылық ғылымдары академиясының академигі, Қазақстан Республикасы инженерлік академиясының корреспондент-мүшесі (Қазақстан-Нұрсұлтан).

**Григорий Васильевич Томский**, Франциядағы КОНКОРД халықаралық академиясының президенті, физика-математика ғылымдарының докторы, профессор (Франция-Париж).

**Өмірәлі ЖАЛАИРИ Шақаранұлы**, Д.А.Қонаев атындағы Еуразия заң академиясының ректоры, заң ғылымдарының докторы, профессор, Қазақстан педагогика ғылымдары академиясының академигі, Қазақстан жоғары мектебі ғылыми академиясының академигі, Санкт-Петербургтегі Петров ғылым және өнер академиясының корреспондент-мүшесі (Қазақстан-Алматы).

**Полат Жамалов Өнерұлы**, Мәскеу қаласындағы «Қазақ диаспорасы» қорының төрағасы, физика-математика ғылымдарының докторы, профессор (Ресей-Мәскеу).

**Омаров Бауыржан Жұмаханұлы**, Қазақстан Республикасы Президентінің кеңесшісі, филология ғылымдарының докторы, профессор, Қазақстан Республикасы Ұлттық Ғылым академиясының академигі. (Қазақстан-Нұрсұлтан)

**Дихан ҚАМЗАБЕКҰЛЫ**, Л.Гумилев атындағы Еуразия ұлттық университетінің ғылыми проректоры, филология ғылымдарының докторы, профессор, Қазақстан Республикасы ұлттық ғылым академиясының академигі (Қазақстан).

**Нұрлан МЫҢБАЙ Жакыпұлы**, М.Әуезов атындағы ОҚ университеті, Гуманитарлық ғылымдар ҒЗИ Түркология бөлімінің директоры, филология ғылымдарының докторы, профессор, Ресей жаратылыстану ғылымдары академиясының корреспондент-мүшесі (Қазақстан-Шымкент).

**Петушков Владимир Сергеевич**, Физика-математика ғылымдарының докторы, профессор (Ресей-Мәскеу)

**Сәуле Тарихқызы Омарова**, Корнель университетінің банк құқығының профессоры, Висконсин университетінің Ph.D докторы (АҚШ-Вашингтон)

**Султонбек Нормаматов Эрмаматович**, Әлішер Науаи атындағы Ташкент мемлекеттік өзбек тілі және әдебиеті университетінің оқу ісі жөніндегі проректоры, Филология ғылымдарының докторы, доцент (Өзбекстан-Ташкент)

**Набил Ал-Тикрити**, Мэри Вашингтон Университетінің Ph.D докторы, тарих және Америкатану кафедрасы доценті (АҚШ-Вашингтон)

**Мұрсал-Нәби Тұяқбаев**, физика-математика ғылымдарының кандидаты, Қазақ ұлттық жаратылыстану ғылымдары академиясы корреспондент-мүшесі, Қазақстанның Ресейдегі елшісінің кеңесшісі (Қазақстан-Нұрсұлтан).



**Машарипов Мансурбек Машарипович,**  
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети эркин тадқиқотчиси,  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси  
E-mail: [masharipovmansurbek20@gmail.com](mailto:masharipovmansurbek20@gmail.com)  
+998(94) 233-22-44

## ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИГА ДОИР

**Аннотация.** Мақолада публицистик услубнинг адабий тилнинг бошқа функционал услублари қаторида тутган ўрни, услуб тилига хос бўлган асосий лисоний хусусиятлар ёритилган. Ўзбек тилида мазкур услуб тилининг шаклланиши ва лингвистик ўрганилишига доир маълумотлар илмий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** лисоний меъёр, информативлик, экспрессивлик, памфлет, структур-грамматик хусусиятлар, интерференция, синтактик параллелизм, ижтимоий-сиёсий терминология.

### Annotation.

### Keywords:

Маълумки, тилнинг бошқа услублари қаторида публицистик услуб ҳам ўзига хос лисоний хусусиятларга эга. Даврий матбуот, ижтимоий-сиёсий адабиёт, сиёсий нутқлар, кундалик ҳаётдаги турли долзарб масалаларни оммабоп тарзда тушунтириб берадиган мақолалар публицистик услубда ёзилади. Тарғибот ва ташвиқот характериغا эга бўлган бу услубдаги нутқ информатив бойлиги, аниқлиги ва экспрессивлиги билан ажралиб туради. Бу услуб орқали омма билан доимий равишда мулоқот олиб борилади ва оммага тезкор ахборот етказиб бериш вазифаси бажарилади. Шунингдек, бу услуб омма онгига

таъсир этишда бирламчи восита ҳисобланади.

Публицистика кенг маънода ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарларни ўз ичига олади. Ҳаётнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган публитсистик мақолалар, фелъетон ва памфлетлар, мурожаатномалар, чакириклар, деклорациялар, хабарлар публицистик услубнинг ёзма турига мансуб асарлардир. Адабий тилнинг мазкур функционал услубида яратилдиган асарлар муайян даврда ижтимоий жамиятда халқ маданияти ва маънавиятининг юксалиши билан юзага келади, ривожланади ва такомиллашади. Шунинг учун бу жанрнинг тарихи узоқ бўлиб, адабий тил тараққиётининг барча даврларида шоир ва ёзувчилар, зиёлилар мазкур жанрга мурожаат қилганлар.

Публицистиканинг объекти реал ижтимоий воқеликдир. У объектив воқеликнинг барча томонларини ёритиб боради. Публицист ҳаёт воқеаларини ижтимоий-сиёсий нуқтайи назардан ўрганиб таҳлил қилади. Публицистик асарнинг мазмуни – муаллиф томонидан акс эттирилган ҳаётий ҳодиса ва далилларга нисбатан унинг ижтимоий, сиёсий ва назарий қарашларидир.

Мазкур услуб муаллифнинг сиёсий фаоллиги, ҳозиржавоблиги, ўткир ва таъсирчан нотиклик хислати, кучли ташвиқот ва тарғибот хусусиятига эга бўлиши билан бошқа

услуглардан ажралиб туради. Даврий матбуотга оид асардаги асосий ғоя ва мазмунни ифода қилишда муаллиф шахсий муносабати масаласи алоҳида аҳамият касб этади, у ҳаётдаги ижтимоий-сиёсий воқеликка, муаммо сифатида кўтарилаётган масалага ўз фаоллиги билан муносабат ифодалайди. Унинг воқеликка бўлган муносабати фикрни ифодалашдаги далилларни келтиришда ҳам, уларни ўз дунёқараши ва эстетик тамойиллари асосида мантикий таҳлил қилиш, қиёслашда ҳам, шунингдек, тилнинг эмоционал-экспрессив, бошқа турли услубий воситаларидан фойдаланишида ўзгачалик касб этади. Публицистик асар муаллифи ҳаётий масалаларни мантикий мулоҳаза, далил, асослар билан тушунтириш, исботлаш билан бирга, ўқувчини бунга ишонтириш, унинг ҳис-туйғуларига таъсир этишни ҳам бош мақсад қилиб қўяди ва тил имкониятларидан шунга мос равишда фойдаланади.

Публицистик услуб мазмун-моҳияти билан кенг оммага, ўқувчига қаратилганлиги билан, кенг аудитория учун мўлжалланганлиги билан бошқа услублардан ўзига хослик касб этади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, айти пайтда бошқа услублар билан туташ нукталари ҳам кўзга ташланади. Жумладан, турли фан соҳаларига оид ютуқларини омма ўртасида тарғиб қилишга, бу нарсадан уларни хабардор этишга қаратилган публицистик нутқ илмий услуб томон силжийди. Бироқ бундай публицистик асарда илмий тилга алоқадор муайян фан соҳасига оид атамаларнинг фаол қўлланмаганлиги, улар ўрнига муқобил сифатида омма учун тушунарли сўзлар қўлланиши публицистик нутқни илмий нутқдан ажратиб туради. Ҳар икки услубга хос бўлган лисоний белгиларни ўзида акс эттиргани учун, бу услуб тил илмида илмий-оммабоп ёки илмий-публицистик услуб деб ҳам юритилади. Бундай ҳолатни публицистик услуб билан бадиий услуб ўртасида ҳам кузатиш мумкин. Бу вазифавий услубларнинг бир-биридан муҳим фарқи шундаки, бадиий услубда муаллиф ўзининг ғоявий фикрларини образлар тизими орқали баён қилади, публицист учун эса образлар системаси фикрни ифода қилишнинг воситаларидан бири сифатида хизмат қилади. Образлар тизимининг мавжуд бўлиши публицистик мақола учун

доимий эмас. Бу ҳолат публицистик асарнинг мазмун-моҳиятига таъсир этмайди. Бироқ публицистик услуб жанрлари ҳисобланган очерк, фельетонлар образлар тизими, образли фикрлаш мавжудлиги билан публицистик нутқ ва услубда фарқланади.

Адабий тил функционал услубларининг барчаси ҳам марказий ва чегараланган белгиси билан бири иккинчисидан фарқланади. Зотан, образлилик бадиий услубнинг марказий белгиси ҳисобланар экан, мана шу белгига кўра бадиий услуб илмий ҳамда расмий услубдан ўзига хослик касб этади. Бу каби илмий услубда ҳам муҳим чегара ҳолатлар мавжудки, илмий нутқ ва услубда ҳам образлилик кузатилиши мумкин. Бундай ҳолат илмий-публицистик услубга хослиги тушунилади. Худди шу каби, илмий услуб билан публицистик услуб кенг оммага қаратилиш белгисига кўра ўзаро қарама-қарши муносабатда бўлади. Публицистик услубда бундай белгининг мавжудлиги, илмий услубнинг марказий нуқтасида эса бундай белгининг йўқлиги уларни ўзаро фарқлаш имконини беради. Лекин шундай илмий услубга хос асарлар борки, уларда илмий ютуқларни оммага сингдириш асосий вазифа қилиб қўйилади. Бундай ҳолат илмий услуб билан публицистик услубни бир-бирига яқинлаштиради, улар орасида юқоридаги белги муносабатини қисқартиради. Бундай оралик ҳолатни барча услубларнинг ўзаро зидланишида кузатиш мумкин. Жумладан, публицистик услуб билан бадиий услуб ўртасида, расмий услуб билан илмий услуб ўртасида, оғзаки-сўзлашув услуби билан публицистик услуб ўртасида бундай ҳолат намоён бўлиши мумкин. Англашиладики, адабий тилнинг вазифавий услублари бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлиб, марказий ва чегара белгиларини ўзида акс эттиради. Шу боис, у ёки бу услубнинг муҳим белгиларини характерлашда, асосан уларнинг марказий белгиларига урғу берилади. Бу фикрларни умумлаштирган ҳолда, публицистик асарларни бошқа услуб жанрларидан ўзаро фарқлашда уларнинг марказий ва чегара белгиларига таяниш лозим бўлади. Демакки, публицистик услубдаги жанрнинг марказий белгиси – оммага, халққа қаратилганлиги билан характерланади.

Жаҳон тилшунослигида публицистик нутқ ва услубни тадқиқ этиш борасида рус тилшунослигида салмоқли ишлар амалга оширилган. Олиб борилган тадқиқотларда публицистик услуб жанрлари, тили ва услубининг ўзига хос лисоний хусусиятлари, бу услубда қўлланадиган лексик-семантик, грамматик меъёрлар хусусида муҳим фикрлар билдирилган, назарий хулосалар чиқарилган. Мисол тариқасида Г.О.Винокур [1;210], В.Г.Костамаров [2;168], Д.Э.Розентал [3;36-48] ларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбек тили вақтли матбуот тилини илмий ўрганишга бағишланган ишлар ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб майдонга келди. Бу соҳадаги дастлабки ишлар сифатида В.Решетов ҳамда М.Мирзаевларнинг изланишларини [4;26] тилга олиш ўринли бўлади. Публицистик услубнинг муҳим характерли белгилари, унинг бошқа функционал услублардан фарқловчи лисоний ўзига хосликлари хусусидаги илмий изланишлар А.Шомақсудов [5;120-138] томонидан амалга оширилди.

Бу йўналишдаги изланишларда матбуот нашрлари сарлавҳаларининг структур-грамматик ва услубий хусусиятларини ёритишга бағишланган тадқиқотлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, А.Шомақсудов, И.Тошалиев, П.Рустамовларнинг илмий тадқиқотларида [6;149-166] газета сарлавҳаларининг вазифаси, структур-грамматик хусусиятлари ўрганилган бўлса, Б.Йўлдошев, Б.Мирзаевларнинг мақолаларида [7;109-114] газета сарлавҳаларининг услубий хусусиятлари ўрганилган.

Кейинчалик публицистик услуб тилининг лисоний хусусиятларини ўрганишга бағишланган диссертацион ишлар ҳам юзага кела бошлади. Жумладан, А.Абдуназаровнинг [8;22] номзодлик ишида “Муштум” журнали тилининг лексик, фразеологик хусусиятлари ўрганилган бўлса, Б.Турдалиев [9;23] томонидан 1905-1917-йиллардаги ўзбек вақтли матбуотининг морфологик хусусиятлари тадқиқ қилинди.

Публицистик услуб тилининг синтактик хусусиятлари тадқиқ этилган монографик тадқиқотлар сирасига М.Раҳмоновнинг “Туркистон вилоятининг газети” тилининг синтактик хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотини [10;21] киритиш

мумкин. Мазкур тадқиқотда газета тилидаги аниқловчи, изофа ва феълли бирикмалар, содда гап синтаксиси ва унинг турлари, гап бўлаклари ва уларнинг жойлашиш ўрни, гапнинг ажратилган бўлаклари ва қўшма гап синтаксиси масалалари ёритилган.

XX асрнинг 20-30-йиллари ўзбек адабий тилининг тараққиёт тенденциялари, ривожланиш босқичлари юзасидан олиб борилган айрим тадқиқотларда мазкур даврдаги публицистик услуб материаллари таҳлилга тортилган ўринлар кузатилади. Жумладан, Ғ.Каримовнинг “20-30-йиллар ўзбек адабий тилининг ривожланиш масалалари” (от сўз туркумидаги сўзлар бўйича) [11;22] номли диссертациясида мазкур даврда Туркистонда нашр этилган ўзбек тилидаги газета ва журналлар тилининг асосий хусусиятлари ҳам тадқиқ объекти бўлган.

Публицистик услубнинг муҳим лисоний хусусиятлари ҳақида, хусусан, публицистик нутқдаги лаконизмлар, такрор сўзларнинг қўлланиши, грамматик воситалар, сифатдош обороти, феълнинг шарт майли шакллариининг алмашилиб қўлланиши, риторик сўроқ, риторик мурожаат, ундов, бир бош бўлакли гапларнинг қўлланиш даражаси тадқиқи тилшунос Т.Қурбонов [12;22] томонидан амалга оширилди.

XIX аср охири XX аср бошлари давр адабий тили, унинг функционал услубларидан бири ҳисобланган публицистик услуб тили Д.Неъматова томонидан Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили [13;146] мисолида ўрганилган. Диссертацияда эски ўзбек тилидан ҳозирги ўзбек адабий тилига ўтиш жараёни, шунингдек, ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишида лексик, сўз ясалиш, синтактик меъёрларнинг белгиланиш жараёни илк бор публицистик асарлар тили мисолида тадқиққа тортилган. Ишда Чўлпон публицистик асарлари тилининг ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларининг белгиланишидаги аҳамиятини очиш, адибнинг публицистик маҳорати, ўзбек публицистик услубининг шаклланишидаги ўрнини кўрсатиш мақсад қилинар экан, ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик, сўз ясалиши ва синтактик меъёрлари такомиллашувида Чўлпон публицистик асарларининг ўрни кўрсатилган, адиб публицистикасида учрайдиган окказионал сўз

ясашиларнинг ўзбек тилида меъёрлашув жараёнлари ёритилган ҳамда публицистик асарлар тилида 20-30-йиллардаги социолингвистик жараёнларнинг намоён бўлиш ҳолати таҳлил этилган.

Муаллиф олиб борган кузатишлари асосида Чўлпон публицистик асарларининг лексик хусусиятлари ҳақида шундай хулосаларни беради:

– Чўлпон ўзбек тилининг луғат таркибини имкон қадар ўз ички имкониятлари заминига асосланган ва таянган ҳолатда бойитиш ҳаракатида бўлди. Унинг асарларида ўз қатламга хос лексик бирликлар салмоқли миқдорни ташкил этгани ҳолда, чет тиллардан ўзлашган сўзлар оз миқдорни ташкил этади;

– ўз қатламга оид лексик birlikлардан унумли фойдаланди ва сўзларнинг маъно структурасини янги сўзлар билан бойитди;

– публицистик асарлар матнида қўлланган арабий, форсий сўзлар миқдори ўзидан олдинги ва ўзига замондош бўлган ижодкорларнинг асарларига қиёсланганда кам миқдорда эканлиги кузатилади;

– муаллиф тилдаги аксарият сўзларнинг семантик қурилишида бир пайтнинг ўзида акс этиб турадиган ҳам ифодаланаётган предмет, ҳам нутқ субъектининг бу предметга ўз муносабати, унинг сўзлаш пайтидаги ҳиссий ҳолати, руҳияти ҳақидаги ахборотларни нозик илғаганлиги учун бу оборотларнинг барчасини ўз эстетик ниятига усталик билан хизмат қилдирган.

Тадқиқотда Чўлпон публицистик асарларининг синтактик хусусиятлари ҳақидаги хулосалар қуйидагича умумлаштирилади:

– Чўлпон публицистикасида гап бўлақларини ифодалашдаги турли ўзига хосликлар эски ўзбек адабий тилининг таъсири, шу билан бирга, турк-татар ва рус матбуотидан ижодий ўзлаштириш жараёнлари билан боғлиқдир;

– адиб публицистикасида содда гапларнинг мураккаблашган шакллари кенг қўлланиб, мураккаблашувнинг услубий мақсад билан боғлиқ кўринишлари публицистик нутқ ифода имкониятларини кенгайтирган;

– адиб тилимизга янги сўзлар, муайян тушунчаларни ифодаловчи бирикмаларни олиб кирди, синтактик усуллардан фойдалангани

ҳолда уларнинг ўзлашишини осонлаштиришга интилди ва бу билан адабий тилимизни халқ жонли тилига яқинлашувини таъминлашга ҳаракат қилди.

Умуман олганда, мазкур тадқиқотда ХХ асрнинг 20-30-йиллар даври ўзбек публицистик услуби тилининг асосий лингвистик хусусиятлари илк бор монографик тадқиқотчи Д.Раҳматова [14;150]

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг тилшуносликка оид қарашларини, драматик, публицистик жанрда яратган асарларининг лисоний хусусиятларини ўрганар экан, адиб асарларининг тили ва услубидаги ўзига хосликни аниқлашда унинг “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналидаги мақолаларини ҳам қисман тадқиқотчи тортади. Тадқиқотчи ўз ишида М.Бехбудийнинг публицистикасидаги тил ва услубнинг ўзига хослигини ўрганар экан, адиб мақолаларини ижтимоий-сиёсий ва маърифий мавзудаги ҳамда адабий-танқидий мавзудаги мақолалар тарзида мавзу жиҳатдан иккига ажратади. Ижтимоий-сиёсий ва маърифий мавзудаги мақолалар матнидаги ўзига хосликларни:

– муаллиф услубидаги қатъиятга мос равишда тил birlikларининг уюшиб келиш ҳодисасида;

– тил birlikларининг битта умумий грамматик вазифада бирлашиб, синтактик параллелизмни ҳосил қилишида;

– ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолаларда *государский дума, закончишунос, паспурт, бўлустоной, пўчтахона* каби интерференсияга учраган тил birlikларининг фаол қўлланишида;

– адиб қаламига мансуб публицистик матнларда ҳам бадиий, ҳам расмий услубга хос сўз ва жумлалар аралаш ҳолда қўлланганлигида деб баҳолайди.

Диссертацияда адабий-танқидий мавзудаги мақолаларнинг тили ва услуби ҳақида фикр билдирилар экан, бу мавзудаги мақолалар тили ижтимоий-сиёсий ва маърифий мавзудаги мақолалар тилидан услуб жиҳатдан фарқланиши айтилади. Бу ҳолатни тадқиқотчи давр адабий тилидаги баъзи грамматик кўрсаткичлар, яъни *-им* қараткич келишигининг *-нинг* шаклида, *-а* жўналиш келишиги кўрсаткичини *-га* шаклида,

равишдош ясовчи -уб шаклининг -иб шаклига томон силжиб, меъёрлаша борганлигини, мақолаларнинг мавзуига мос равишда сўз ва иборалар танланганлигини ва терминологиянинг етакчилик қилиб борганлигини, шунингдек, ифодада соддалик томон интилиш юзага келганлиги айтилади.

Муаллиф Маҳмудхўжа Бехбудийнинг публицистик мақолалари юзасидан олиб борган статистик таҳлилларини куйидагича хулосалайди: “Бехбудийнинг ижтимоий-сиёсий ва маърифий асарлари XX аср бошларидаги Туркистон халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳаёти, турмуш тарзидаги жараёнларни ўзида акс эттиради. Илмий-танқидий мақолалари эса замоннинг илғор зиёлилари ва маърифатпарварлари фаолиятидаги энг ишлатилган сўз ва ибораларни ўзида акс эттиради. Бу эса адиб фаолиятида ижтимоий-сиёсий терминологиянинг маълум ўрин тутишидан далолат беради” [14;101].

Юқорида келтирилган тадқиқотларда публицистик услубнинг асосий лисоний хусусиятлари муайян давр, маълум бир матбуот нашри материаллари, аниқ бир адиб ёки ёзувчи асарлари асосида тадқиқ этилган. Ўзбек адабиёти тарихида маърифатпарварлик адабиётидан кейинги босқич сифатида майдонга келган жаҳид адабиёти халқни маърифатли қилиб тарбиялаш, жамиятда янгилашишларга эришиш, ватан ва миллатни тараққиёт йўлига олиб чиқиш ғояларини тарғиб қилишда асосий восита бўлиб хизмат қилди. Бу эса, ўз навбатида, маърифатчилик ва жамиятдаги долзарб ижтимоий муаммоларни акс эттиришга қаратилган жаҳид адабиётда анъанада бўлган адабий тур ва жанрларнинг янгилашиши учун ҳам замин ҳозирлади. Айнан драматургия ва публицистик жанрларнинг шаклланганлигини жаҳид даври адабиётининг маҳсули сифатида қайд этиш лозим бўлади.

Ҳар қандай тадқиқот объектига умумийлик ва хусусийлик диалектикаси нуқтайи назаридан қарасак, хусусий элементларни тадқиқ этиш орқали умумий хулосалар чиқариш кераклиги англашилади. Юқорида таҳлил этилган тадқиқотларда ўзбек публицистик услуби муайян адиб асарлари тили мисолида ўрганилганлиги кузатилади. Бироқ ўзбек адабий тилида мазкур услуб шаклланишига бўлган ижтимоий эҳтиёжни,

публицистик услуб манбаларини, услуб меъёрларининг шаклланиш босқичларини алоҳида тадқиқ этиш лозим бўлади. Зеро, XIX аср охири XX бошларидаги давр адабий тилида публицистик услубнинг шаклланиши маърифатпарвар жаҳид адиблари фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бу масалани монографик тадқиқ этиш ҳам долзарб саналади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Винокур Г. Культура языка. – Москва: Наука, 1925. – 210 с.
2. Костамаров В. Русский язык на газетной полосе. – Москва: Наука, 1971. – 168 с.
3. Розенталь Д. Актуальные вопросы изучения языка газеты. – Москва: Вестник МГУ, 1975. – С. 36-48.
4. Решетов В. Лексический состав современной узбекской прессы. // Проблемы языка. Вып. 1. – Ташкент, 1934; Мирзаев М. Ўзбек вақтли матбуотида совет-интернационал сўзлар (1945-50 йй). АКД – Тошкент, 1951. -26 б.
5. Шомаксудов А. Ўзбек тили стилистикаси. 1-қисм. – Тошкент: ТошДУ асарлари, 1981. – Б.55-61. Шу муаллиф. Газета тили ва услубига доир // Совет журналистикаси масалалари. – Тошкент: ТошДУ асарлари, 1964. – Б. 120-138.
6. Шомаксудов А., Тошалиев И., Рустамов П. Сарлавҳа ва унинг функцияси // Ўзбек тилшунослиги масалалари. ТошДУ асарлари. №475. – Тошкент, 1975. – Б. 149-166.
7. Йўлдошев Б., Мирзаев Б. Ўзбек тилида фразеологизм сарлавҳаларининг стилистик хусусиятлари ҳақида (матбуот масалалари асосида) // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. СамДУ асарлари. – Самарқанд, 1982. – Б.109-114.
8. Абдуназаров А. 20-йиллардаги ўзбек адабий тили лексикаси ва фразеологияси тараққиёти: Филол.фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1969. – 22 б.
9. Турдалиев Б. 1905-1917-йиллардаги маҳаллий матбуот тилининг морфологик хусусиятлари: Филол.фан. номз. дисс. автореф. Тошкент, 1969. – 23 б.
10. Раҳмонов М. “Туркистон вилоятининг газети” тилининг синтактик хусусиятлари: Филол.фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1971. – 21 б.
11. Каримов Ф. 20-30-йиллар ўзбек адабий тилининг ривожланиш масалалари (от сўз туркумидаги сўзлар бўйича): Филол.фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1971. – 22 б.
12. Курбанов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1971. – 22 с.
13. Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2004. – 146 б.
14. Раҳматова Д. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг лингвистик таълимоти, асарларининг тил ва услуб хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Самарқанд, 2022. – 150 б.